

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan



17 май куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан чин юракдан табриқлаб, унга мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, қардош қозоқ халқига тинчлик ва раванқ тилади. Қасим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақкамлашга қўшган катта шахсий ҳиссаси алоҳида қайд этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим 17 май куні расмий ташриф билан юртимизга келди.

Ташриф асносида:
«Қўқсарой» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимни таъналли кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара ўтказдилар. Ишончли, очик ва дўстона муҳитда ўтган музокара рақунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Малайзия Бош вазири Қўп қиррали ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёноти имзоладилар.

Ўзбекистон — Малайзия саммити якунида «Қўқсарой» қароргоҳида даврақт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вақир Анвар Иброҳим Фаҳрий меҳмонлар хиёбонида арча экидилар.

Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмокда.

Бошқирдистон Республикаси касаба уюшмалари делегацияси Ўзбекистонда

САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда юртимизда Бошқирдистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси Гузель Мирошниченко раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.



Қўлоқчек ТўРАЕВ олган суратлар

2024 йилнинг 17 май куні Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида Бошқирдистон касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувда тармоклар касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Федерация тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда тизим фаоллари иштирок этишди.

Тадбирни очар экан, Федерация раиси Қудратилла Рафиқов юртимизда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар ҳақида батафсил сўзлаб берди. Жумладан, мамлакатимизда халқни йиллар давомида қийнаб келган кўплаб муаммоларни ҳал этиш бўйича яратилган тизим ҳақида алоҳида тўхтади. Давлат идораларининг халқнинг ичига қи-

риши, камчиликларнинг туб илдилари билан бевосита шуғулланиши, Халқ қабулхоналари тизими орқали одамларнинг ташвишларини бевосита мамлакат раҳбарияти ва соҳа мутасаддиларига етказа олиши ва уларни изчиллик билан бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар самараларини эътироф этди. Бош келишувнинг аҳамияти, «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекис-

тон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, янгидан амалга киритилган Меҳнат кодекси, умуман олганда, меҳнат муносабатларидаги қонун ижодкорлигида касаба уюшмаларининг ўрни хуосида батафсил сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг нафақат ўз йўналишидаги фаоллиги, балки жамиятдаги ижтимоий муаммоларни бартараф этишдаги ҳиссаси ҳам ошиб бормокда. Жумладан, касаба уюшмалари кўмағида амалга оширилаётган «Аёллар дафтари» лойиҳаси шарофати билан ночор оилаларда истиқомат қилаётган юз минглаб аёлларнинг иш билан таъминланиши ҳамда жамиятдаги кўплаб муаммоларга ечим топилмокда.

– Айни тизим орқали кўплаб оилалар камбағаллик рўйхатидан чиқарилишига эришилмокда, – деди Қудратилла Рафиқов. – Биз бевосита ўша ночор оила вақилалари бўлган хотин-қизларнинг жамият ҳаётига бефарқ бўлмаган тадбиркор, ишбилармон фуқароларга айланиб бораётганини ўз кўзимиз билан кўряпмиз. Бу эса Президентимиз сиёсатининг нечоғлик ҳаётбахш эканини

яққол исботламокда.

Меҳмонларга, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг бугунги кунда жамиятда тутган ўрни, ишчи-ходимлар манфаатларини химоя қилиш борасидаги тажрибалари ҳақида маълумот берилди. Федерация тизимидаги Даволаш-рофилақтика маркази, сўнгги йилларда қурилган санаторийлар, янгидан ташкил этилган Меҳнат муносабатлари академияси фаолияти уларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашувда Бошқирдистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси Гузель Мирошниченко ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари, ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги тажрибаларнинг аҳамиятига тўхтади. Ўтган қиска вақт ичида Тошкентнинг бутунлай янги қиёфа касб этганини кўриб ҳайратга тушганини изҳор этди. «Ғалаба боғи»га қилинган саёҳатдан катта таассуротлар олганини таъкиқлади. Бошқирдистонлик ҳамкасбларнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашлари ва ташкилотлари билан муносабатлари изчил ривожла-

ниб бораётганидан мамнун эканини билдирар экан, бу мулоқотлар ўзаро фикр алмашиш, тажрибаларни ўртоқлашишда алоҳида ўрин тутишига тўхтади.

Мулоқот давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ахборот-таҳлил департаменти раҳбари Шоқосим Шоисломов, Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини Нодира Ғойибназарова, Ижтимоий химоя суғурта бўлими мудирини Нигора Эшонхонова, Касаба уюшмалари саройи директори Маҳмуджон Муродов, Даволаш-профилақтика маркази бош шифокори Ирода Набиева ва бошқалар сўзга чиқиб, соҳадаги ўзгаришлар, ҳамкорлик истиқболлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди.

Бошқирдистон касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмокда. Истиқболда меҳмонларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати ҳамда бир қатор бошланғич ташкилотлар фаолияти билан бевосита танишуви ҳам режалаштирилган.

Ўз муҳбиримиз



Танишув

ТАШРИФ ТААССУРОТЛАРГА БОЙ БЎЛМОҚДА

2-саҳифада ўқинг...

МАРКАЗИЙ ОСИЁ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ V МАЖЛИСИ

ЧАЛАСАИ V ШЎРОИ ИТТИФОҚҲОИ КАСАБАИ ДАВЛАТҲОИ ОСИЁИ МАРКАЗИ

V MEETING OF THE COUNCIL OF TRADE UNIONS OF THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES

2-саҳифада ўқинг...



19 май – Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни

САҲРОДАН ҲАМ ҲАЁТ, ҲАМ ҲАЗИНА ТОПАЁТГАН ИНСОНЛАР

Эрта тонгда Навоий шахридан Зарафшон сари йўлга чиқдик. Сокинлик, шамол, тупроқлардан ҳосил бўлган теналиклар, саксовул ва турли-туман буталар қоплаган кум барханлари кўз олдимиздан бирма-бир тизилиб ўтади. Манзаралар алмашуви бизни сеҳрлаб қўйгандай бўлади. Қизилқум чўлининг бағоят беповбонлигини ўйларканмиз, ўзимизни ҳам бамисоли кум заррасидек хис этамиз...

Минглаб ишчилар, муҳандислар, олимлар ва раҳбарларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган Қизилқум саҳросининг маълум қисми ўзлаштирилган. Бизнинг биринчи манзилимиз ана шу ҳудудда қад ростлаган Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли 7-гидрометаллургия заводи бўлди. У банд этган 27 гектарлик катта майдонга кириб борар эканмиз, 3 соатга чўзилган сукунат рудаларни манзилга етказиб берувчи ленталар, уларни маъданга айлантирувчи улкан технологиялар ва тегирмонлар шовқини билан алмашди.

Ҳозир комбинатдан кейинги йилларда етишиб чиққан кончи ва металлургиянинг навқирон авлоди меҳнат қиладиган ушбу завод техноген чиқиндиларни қайта ишлаб, дунёдаги қимматбаҳо металл ажратиб оладиган энг йирик корхона ҳисобланади. Қувонарлиси, бу ишлар маҳаллий кадрлар томонидан амалга оширилади.

Завод фаолияти билан танишиш чоғида бизга Саноат хавфсизлиги бўйича муҳандис ҳамда ёшлар етакчиси Аҳмаджон Ражабов ҳамроҳлик қилди. Унинг кўмағида корхонадан анча нарида уюлиб ётган кўп йиллик рудалар захираси ленталар орқали заводга келтирилишидан тортиб, уларни галвирдан ўтказиш, майдалаш ва қуюлтириш, кўмир ёрдамида олтин ажратиб олиш каби барча жараёнларни яқиндан кузатдик.

Кейинги йилларда ишга туширилган мағзкур заводда галвирлаш ва маъданни қайта ишлашга тайёрлаш, майдалаш ва қуюлтириш, цианлаш ва сорбциялаш цехлари, ёрдамчи участкалар ва лаборатория ишлаб турибди. 840 нафар ишчи-ҳодимнинг ярмидан кўпи ёшлар. Улар жазирама ёзда ҳам, қаҳратон қишда ҳам, мураккаб меҳнат ва иклим шароитларида ҳам фидокорона фаолият юритиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳорат билан урдашмоқда. Комбинатда тайёрланган олтиннинг халқаро миқёсда сифат эталони деб қабул қилиниши уларнинг профессионал, аниқ чоғда, машаққатли ва самарали меҳнатларининг юксак эътирофидир.

Галвирлаш бўйича катта уста Маъмуржон Муртазов, цианлаш ва сорбциялаш цехи раҳбари Мухтор Шукуров, майдалаш цехи бошлиғи Эркин Мирзоев бизни қизғин давом этаётган иш жараёнлари билан батафсил таништирдилар.

Руданинг тегирмонга узатилишини, тегирмонлар айланиши, гидроциклон (массалари бир-биридан фарқ қиладиган минерал дончаларни сув муҳитида ажратадиган аппарат) орқали қуюлтириш жараёнларини ҳайрат билан томоша қилдик. Бу ердаги тебранилиш ва шовқинли муҳитда, муайян даражада чангланган ҳавода ишлаётган

ҳодимлар матонатига яна бир бор тан бердик.

– Қанчалик унумли ва сифатли ишласак, олтин шунчалик кўп олинади, – дейди Эркин Мирзоев. – 8 та тегирмонимиз бор. Аниқ пайтда иш фаолиятимиз кенгайгани сабабли йиллик маъданни қайта ишлаш ҳажмининг 16 миллион тоннага оширдик. Ишчилар тегирмонни бошқариш жараёни бир маромада бўлишини назорат қилишади. Ҳар бир тегирмонга 290-320 тагача соққалар жойлаштирилади. Майдалаш ва қуюлтириш цехида 158 нафар ишчи меҳнат қилади. Тегирмонлар ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани аниқ мундоқ бўлди.

Бўлим бошлиғи бизни оператор хонасига бошлади. Навбатчи ходим Темур Эргашев технология жараёнларини мунтазам кузатиб бориш, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий риоя қилиш, ишни инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига зарар етказмайдиган даражада ташкиллаштириш лозимлигини айтиб ўтди. Умуман, заводда меҳнат муҳофазаси таъминланган, ишчилар учун қулай шароитлар яратилиб, саломатликлари доимий назоратга олинган. Улар ҳар йили меҳнат таътилига чиққанларидан турли сыхатгоҳларда ҳордик чиқарадилар. Бундан ташқари, корхонада ошхона, маиший хизмат кўрсатиш ва спорт хоналари ишлаб турибди.

Биз эртаси кунни 5-гидрометаллургия заводида бўлдик. Давлатимиз қураб келинган 2017 йил 28 мартда Навоий вилоятига ташириш чоғида тамал тоши қўйилган бу корхона йилга 5 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга. Заводнинг ноёблиғи шундаки, унда дунёда ўхшаши йўқ мулкка янги – кислород-оҳак ёрдамида оксидлаш асосида олтин ажратиб олиш технологияси қўлланилмоқда. Заводда ишлаб чиқариш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилиб, рақамли ишлаб чиқариш тизими йўлга қўйилган. Бу жараённи олиб боришда



бойтима икки босқичда 10 микрогача янчилик, кислород ёрдамида оксидланади. Завод бош муҳандисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Обид Жабборов бизга маъданларни қабул қилиш, майдалаш, флотация, янги фойдалани қазилмаларни бойитиш, қуюлтирилган маҳсулотни цианлаш ва сорбция жараёнлари ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Худудни айланарканмиз, 25 гектар майдонда ишлаб чиқариш тармоқлари, турли ижтимоий объектлар, омборлар, маъмурий бинолар, бог-роғлар барпо этилаётганига гувоҳ бўлдик.

Албатта, касоба уюшмаси фаолияти билан ҳам қизиқдик. Аён бўлишича, ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари ва саломатликларини тиклаш масалалари доимий эътиборда. Улар меҳнат таътили вақтида турли сыхатгоҳлар ва зиёратгоҳларга юборилади.

Завод ишчи-ҳодимларининг асосий қисmini ёшлар ташкил этади. Улар ўртасида турли заковат ўйинлари, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Заводдан чиқётганимизда, катта-катта харфлар билан ёзилган «Меҳнатингиз учун ташаккур!» деган жумлага кўзимиз тушди. Бу сўзлар кунлик иш жараёнида бироз толиққан ишчиларга далда бўлиши, уларга қайтадан куч-ғайрат бағишлаши табиий.

Қизилқум саҳросида қад ростлаган Ишчилар шахарчасида тиббиёт пункти, футбол майдончаси, спорт ҳамда маънавий заллари, 14 та ётоқ корпуси мавжуд. Ҳар бир корпусда ишчилар учун етарли, замонавий шароитлар мўжайиб. Маскандан турли миллат ва эллат мансуб, «Ауминзо-Амантой» саноат майдонида фаолият юритувчи 1,4 минг нафар ишчи-ҳодим яшайди. Шунингдек, 400 кишилик ошхона, сарматрохона, савдо дўкони ишлаб турибди.

Тиббиёт пунктига кирганимизда бизни кўзлари



чақнаб турган ҳамширалар мулоим жилмайиб қарши олдилар. Дилафруз Раҳимова исм-шарифли тиббиёт ходимаси ишчилар саломатлиги изчил назоратда эканлигини, уларнинг жисмоний аҳоли вазият тақозосига кўра, тиббий кўриқдан ўтказилишини айтди.

Ҳар бир корпусда кутубхона очилган. Уларда турли адабиётлар жамланган. Деб қабул назоратда эканлигини, спорт зали ва кутубхоналарда ўтказиш экан.

Бизни қувонтиргани, бу ерда ташкил этилган иссиқхонада цитрус мевалардан лимон, апельсин ва турфа гуллар етиштирилган экан. Худудда мевали ва манзарали дарахлар ҳам кўп. Шаҳарча масгуллар Нормурод Мирзаев, Ербол Ризақулов яна оз муддатдан кейин келиб, мевалар мазасини табиб кўришига ва манзарадан завқланишига таклиф қилишди. Чўлнинг қоқ ўртасида барпо этилган бу гўзал масканда ишчиларга яратилган қулайликлардан мамнун бўлиб, йўлимизда давом этдик.

Комбинат томонидан қурилган «Умид» реабилитация маркази ҳақида газетамизда мақола чоп этилганда, менинг у ҳақдаги тасавурларим ҳали юзаси эди. Бу ерга келиб, маскан ичида ва болалар орасида юрганимда қалбимни батамом ўзгача хис-туйғулар чулғаб олди. Шу боис марказни ўз наздимда «Чўл гули» деб атадим.

Даволанишга эндигина қатъий бошлаган болақайнинг йиғиси, врач кўмағида юришга интилаётган миттивой, араваҳасида ўтирган кўйи бизга боғчаси ҳақида гапириб берган қизалоқ, сўзларни эндигина талаффуз қилишни ўрганаётган ўғилтой, мусика хонасида ўйнаётган кичкинтойлар нигоҳи юрагимга муҳраланди. Мени энг қувонтирган хушхабар шун бўлдики, уларнинг аксарияти соғлом ҳаётга қайтар экан.

Ҳозир бу гўшада ҳаракатида нуқсон бор икки ёшдан етти ёшгача бўлган 90 нафарга яқин бола тарбияланмоқда. Марказда мактабгача таълим ташкилоти машғулотлар ва муолажалар олиб бориши учун зарур хоналар, ётоқхона, ошхона, махсус спорт майдончалари, амфитеатр қурилган ҳамда барчаси керакли воситалар, меҳнат, турли-туман ўйинчоқлар билан таъминланган.

Ташкилот раҳбари Дилафруз Файзиёва бизга ҳар бир хонани эринмай кўрсатди. Физיותרрапия, офталмология, массаж, сенсор терапия, эртак терапия, майда моторика, ижтимоий мослашув, психолог, ётоқ ва ўқув хоналари, аудио синф, даволаш-жисмоний тарбия ва тадбирлар заллари ривожланган давлатлардан келтирилган махсус дидактик материаллар, тиббий-ортопедик асбоб-ускуналар, тренажёрлар билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси жажжи ўғил-қизлардаги кўриш, эшитиш билан боғлиқ ва бошқа нуқсонларни бартафат этишга хизмат қилмоқда. Вақти-соати етиб, соғлом тенгдошлари қаторида ҳеч кимнинг кўмагисиз эмин-эркин юра бошлалари улар учун энг катта бахт саналади!

Беповён Қизилқум саҳросини тарқ этар эканмиз, унинг бағрида яшириниб ётган хазиналар, ҳақиқатан ҳам, сирли-синоатли эканини, уларни ўрганиш, хатто кичик маълумотга эга бўлиш ҳам киши онгини бир олам таассуротлар билан бойитишини дилдан хис этдик.

Бизнинг Навоий кон-металлургия комбинатига сафардан асл мақсадимиз унинг фаолияти билан танишиш, ишчи-ҳодимларининг машаққатли, шу билан бирга, фахрли меҳнатларини матбуот саҳифаларида ёритиш эди. Шунга кўра, ўша кунлари Навоий машинасозлик заводи, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети, комбинат тарихи музейи, «Фарҳод» маданият саройида ҳам бўлдик. Ишчи-ҳодимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш, уларнинг дам олишлари ва саломатликларини мустаҳкамлаш, маданий тадбирлар ўтказиш борасида корхона касоба уюшмаси олиб бораётган ишлар билан қизиқдик.

Табиийки, булар ҳақидаги таассуротларимизнинг барчасини бир мақолада жамлаш мумкин. Шу боис бошқа фикр-мулоҳазаларимизни навбатдаги чиқишларимизда баён этамиз. Ҳозирча эса, барча ҳамкасблари қатори ушбу корхонада фаолият юритаётган ҳамюртларимизни ҳам Кончилик ва металлургия саноати ходимлари кунини билан чин дилдан қутлаймиз!

Гулруҳбегим ОДАШБОВА
«ISHONCH»



КИМНИНГ БИЛИМИ КУЧЛИ?

Ақлни чарчлагга хизмат қилдиган «Заковат» интеллектуал ўйинлари кейинги йилларда барча ташкилотларда ўтказилиб келинмоқда.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши ўтказган «Заковат» ҳам қизиқари ўтди.

Бу интеллектуал ўйин тармоқдаги ёш ишчи-ҳодимлар ўртасида уч босқичда ташкил этилди. I ва II босқич ўйинлари ҳар бир ҳудуднинг ўзида бўлиб ўтди. Республика босқичига чиққан гуруҳлар 10 май кунини Тошкент шаҳридаги финал ўйинига етиб келишди.

Финалда Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган, Фарғона, Навоий, Тошкент вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида биринчи ўринни эгаллаган жамоалар иштирок этди.

Тадбир аввалида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касоба уюшмаси раиси Аҳмаджон Ҳаққулов сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга омад тилади.

«Заковат» кизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Саволлар ҳам юксак даражада тайёрланган. Мусобақа якунига кўра, I-ўрин Андижон машинасозлик институтининг «Машинасоз» жамоасига, 2-ўрин «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамиятининг «Металлург» жамоасига ва 3-ўрин Турин политика ва ҳуқуқшуносликнинг «Tutgin.uz» жамоасига насиб этди. Шунингдек, галабага бўлган интилиши учун «Хоразм авто» жамоаси ҳам тақдирланди.

Барча ғолибларга ташкилотчи томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар берилди.

Али АБДУЛҲАФИЗОВ



ҚАДРЛАШ ВА ҚАСАМЁД


Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлик техникумида бўлиб ўтган тадбир соҳа фахрийлари, ўқувчилар, шунингдек, «Маданият» маҳалласи фаоллари таклиф этилди.

Бир пиёла чой устида учрашган меҳмонларга Соғлиқни сақлаш касоба уюшмаси ходимлари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир давомида халқаро ҳамширалар кунини муносабати билан бўлажак саломатлик посбонлари йилгиланлар ҳузурига қасамёд қабул қилишди.

Техникум ўқувчиларининг чиройли қўл-кўшиқлари меҳмонларни хушнуд этди.

Элмира УСМОНОВА,
Сергели туманидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми касоба уюшмаси раиси



КЎНИКМАЛАР МУСТАҲҚАМЛАНДИ

Ҳадемай, ёнги дам олиш мавсумига старт берилади ва айтиш жоизки, уни кўнгиликдагидек ўтказиш учун ишлар алпакачон бошлаб юборилган. Зеро, ўғил-қизларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, соғломлаштириш, илмий-ижодий салоҳиятини ривожлантириш, ватанпарварлик ва юртга садоқат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг асосий мақсад ва вазифасидир.

Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаментининг Қорақалпоғистон филиали айнан шу масала юзасидан намунавий дастур доирасида ўқув-семинар ўтказди.

Йилгидан намунавий дастур асосида ташвиқот ишлари ҳамда уларни амалга ошириш механизми юзасидан ташқи муносабат бериб ўтилди. Натияжада педагог-тарбиячи ва етакчиларнинг билим ва кўникмалари янада мустаҳкамланди.

Фотима АБДУРАЙИМОВА
«ISHONCH»

Эълон
Нерезенко Сергей Иванович номига 21.12.1992 йилда берилган Мирзо Улуғбек тумани, Черданцева-2, 68-ўй. 16-хонадонга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи №04-02/1069 рақамли давлат ордери ҳамда каластр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши жамоаси вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими бош мутахассиси
Дамир Нурматович УМАРОВ
вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изхор этади.

Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касоба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбековга падари бузруквори
Аҳмад ота НАЗАРБЕКОВ
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

